ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.

**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**

20 **20** yil « **20** » **ноябрь** № **736** Toshkent sh.

**Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ солиқ тўловчилар билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий рақамли шаклини жорий этиш, солиқлар ва йиғимларни ундиришда (тўлашда) солиқ органи ва банк тизими ўртасида электрон маълумот алмашинувини такомиллаштириш ҳамда назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини янада такомиллаштириш, шунингдек, давлат божи ва бошқа йиғимларни ундиришнинг ягона тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Солиқ мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Солиқ тўловчининг банк ҳисобварақлари билан боғлиқ операциялар бўйича солиқ органи ва банк тизими ўртасида электрон маълумот алмашиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ундирилган давлат божи ва бошқа йиғимларнинг бюджет тизимига тушумларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар 2021 йил 1 мартдан эътиборан кучга киради.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2012 йил 24 октябрдаги 307-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги:

мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ва кенг ёритсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "20" ноябрдаги 736- сон қарорига
1-илова

# Солиқ мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида
# НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом солиқ органлари томонидан олдинги йил учун даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра камида ўн миллиард сўмни ташкил этган юридик шахсларда (кейинги ўринларда – солиқ тўловчи) солиқ мониторингини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Солиқ мониторингини ўтказиш тартиби ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

3. Солиқ органининг ваколатли мансабдор шахслари ва солиқ тўловчи солиқ мониторинги иштирокчилари ҳисобланади.

Солиқ мониторинги солиқ тўловчига нисбатан ихтиёрий бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар давлат солиқ бошқармалари томонидан, йирик солиқ тўловчиларга нисбатан эса – Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан ўтказилади.

## 2-боб. Солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисида ариза бериш ва ахборотга доир ҳамкорлик регламенти

4. Солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисида ариза солиқ тўловчи томонидан солиқ мониторинги ўтказиладиган даврдан олдинги йилнинг 1 июлидан кечиктирмай ҳисобда турган жойдаги солиқ органига ёзма ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда тақдим этилади.

5. Ҳисобда турган жойдаги солиқ органи солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни ариза олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида тегишлилиги бўйича юқори турувчи Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар давлат солиқ бошқармаларига, йирик солиқ тўловчилар бўйича эса – Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига кўриб чиқиш учун юборади.

6. Солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги аризага Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (кейинги ўринларда – Солиқ кодекси) 171-моддасида белгиланган ҳужжатлар илова қилинади

7. Ариза тақдим этган солиқ тўловчи солиқ органи томонидан солиқ мониторингини ўтказиш ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар ўзининг аризасини ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклида ёзма ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон ариза асосида чақириб олиши мумкин. Мазкур ҳолатда солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этилмаган деб ҳисобланади.

8. Солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этган юридик шахсда бевосита ва (ёки) билвосита иштирок этадиган ҳамда бундай иштирок улуши 25 фоиздан ортиқни ташкил этадиган жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда тақдим этилади.

9. Солиқ мониторингида иштирок этувчи солиқ тўловчи ва солиқ органи ўртасида ахборотга доир ҳамкорлик регламент асосида амалга оширилади.

10. Ахборотга доир ҳамкорлик регламентининг шаклини ва унга доир талабларни Солиқ кодексининг 170-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат солиқ қўмитаси) томонидан тасдиқланади.

11. Солиқ мониторингини ўтказиш чоғида ахборотга доир ҳамкорлик қуйидаги усуллардан бири орқали амалга оширилади:

солиқ мониторинги иштирокчиси бўлган солиқ тўловчининг бухгалтерия ва солиқ ҳисобини юритиш тизимига масофадан кириш ҳуқуқини солиқ органига бериш;

солиқ тўловчининг бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби маълумотларини ўз ичига олган махсус сақлаш жойи – маълумотларнинг таҳлил витринасини нашр этиш. Маълумотларнинг таҳлил витринаси солиқ органига солиқ мониторинги доирасида керакли маълумотларни, шу жумладан, бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг сканерланган нусхаларини мустақил равишда кўриш, таҳлил қилиш ва сўраб олиш имконини беради;

солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали маълумотларни юбориш.

## 3-боб. Солиқ мониторингини ўтказиш

12. Солиқ мониторингини ўтказиш (солиқ мониторингини ўтказишни рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилгунга қадар солиқ органи томонидан солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисида аризада солиқ тўловчи томонидан кўрсатилган маълумотларнинг ва ҳужжатларнинг (ахборотнинг) тўлиқлиги баҳолаб чиқилади.

13. Солиқ мониторингини ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор ариза берилган йилнинг 1 ноябрига қадар ушбу Низомга 5 ва 6-иловаларга мувофиқ шаклларда қабул қилинади.

Солиқ мониторингини ўтказиш (солиқ мониторингини ўтказишни рад этиш) тўғрисидаги қарор устидан солиқ тўловчи Солиқ кодексининг 30-бобида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

14. Солиқ мониторингини ўтказишга тайёргарлик кўриш босқичида солиқ органи томонидан тушунтириш иши ўтказилади, унинг доирасида солиқ тўловчига қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган талаблар ва солиқ мониторингини ўтказиш тартиби тушунтирилади.

15. Ҳар бир солиқ тўловчи фаолиятининг ва тузилмасининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда солиқ органининг мансабдор шахслари солиқ тўловчининг ахборот тизимлари билан бирламчи танишиб чиқади, сўнгра солиқ мониторингини ўтказиш режасини ишлаб чиқади.

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



16. Солиқ органи режани ишлаб чиқиш жараёнида:

илгари аниқланган солиқ ҳақидаги қонунларни бузиш ҳолатлари статистикасини таҳлил қилади;

тармоқнинг хавфлари харитасини тузади;

солиқ мониторингини ўтказиш учун йўналишларни белгилайди.

17. Ваколатли мансабдор шахслар томонидан солиқ мониторингини ўтказиш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

реал вақт режимида солиқ тўловчининг операциялари ва ҳужжатларини масофадан туриб кузатиб бориш;

солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг синтетик ва аналитик ҳисобини юритиш тартибини таҳлил қилиш;

ҳар бир операциянинг ҳужжатли тасдиғини текшириш;

солиқ базаси солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ тўғри шакллантирилишини назорат қилиш;

солиқ мажбуриятларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоботида ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри акс эттирилганлигини, шунингдек, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг асосланганлигини назорат қилиш.

18. Ваколатли мансабдор шахс томонидан солиқ мониторингини ўтказиш чоғида ҳар бир солиқ тўловчи бўйича электрон ишчи журнал юритилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами;

солиқ мониторингини ўтказишнинг асоси ва даври;

солиқ мониторингининг бошланиши ва якунланиши вақти;

солиқ мониторинги иштирокчиларининг ваколатли мансабдор шахслари лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;

солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилишини ва тўланишини (ушлаб қолиниши ва ўтказиб берилишини) таҳлил қилиш ва унинг натижалари;

аниқланган тафовутлар ва хатоликлар;

ҳужжатларни (ахборотни) ва тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида юборилган талабномалар ҳисоби ва уларни бажариш натижалари;

асослантирилган фикрлар ҳисоби ва уларни бажариш натижалари.

19. Агар солиқ мониторингини ўтказиш чоғида тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар ўртасида тафовутлар ёхуд солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ва солиқ органида мавжуд бўлган маълумотлар ўртасида номувофиқликлар аниқланса, солиқ органи бу ҳақда зарур тушунтиришлар бериш ёки тегишли тузатишлар киритиш талаби билан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ тузилган шаклдаги талабнома билан хабар қилади.

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



20. Солиқ тўловчи томонидан тушунтиришлар талабнома олинган кундан эътиборан беш кун мобайнида ёзма ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда тақдим этилади, ўн кун мобайнида эса тузатишлар киритилади.

## 4-боб. Солиқ мониторингини ўтказиш чоғида ахборотга доир ҳамкорликни таъминлайдиган ҳужжатлар (ахборот), уларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари

21. Солиқ органига тақдим этиладиган ва ахборотга доир ҳамкорликни таъминлайдиган ҳужжатларга (ахборотга) қуйидагилар киради:

ҳисобварақлар ишчи режасини илова қилган ҳолда солиқ мониторинги ўтказиладиган календарь йилга бухгалтерия ҳисоби мақсади учун ҳисоб сиёсати;

солиқ мониторинги ўтказиладиган календарь йилга солиқ ҳисоби мақсади учун ҳисоб сиёсати;

бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари бўйича айланма – қолдиқ қайдномалари;

бухгалтерия ҳисоби регистрлари, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларидан солиқларни ва бошқа йиғимларни ҳисоблаш билан боғлиқ операцияларнинг (ҳужжатларнинг) номи кўрсатилган батафсил кўчирмалар;

солиқ ҳисобининг таҳлилий регистрлари маълумотлари;

солиқ ҳисобининг регистрлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрлари асосида шакллантириладиган солиқ ҳисоботлари (ҳисоб – китоблари) сатр кўрсаткичлари мазмуни;

агар солиқ тўловчи уларни тайёрлаш мажбуриятини олган бўлса, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари талабларига мувофиқ тузиладиган молиявий ҳисобот ва консолидациялашган молиявий ҳисобот;

бирламчи ҳисоб ҳужжатлари;

солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши (ушлаб қолиниши), тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши (ўтказиб берилиши) билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатлар (ахборот).

22. Талаб қилиб олинадиган ҳужжатлар (ахборот) ва тушунтиришлар солиқ органига солиқ тўловчи томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали, буюртма хат билан почта орқали, телекоммуникация каналлари, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда юборилиши мумкин.

23. Солиқ органига электрон шаклида тақдим этилаётган ҳужжатларнинг (ахборотнинг) форматлари:

бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби регистрлари: xls, xlsx, pdf;

бирламчи ҳисоб ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар учун: xls, xlsx, doc, docx, pdf, jpg, gif, jpeg, tif, tiff, xml.

24. Белгиланган форматлар бўйича электрон шаклда тузиладиган,

шунингдек, талаб қилиб олинадиган ҳужжатлар солиқ тўловчининг электрон рақамли имзоси (кейинги ўринларда – ЭРИ) билан имзоланади ва солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали солиқ органига юборилади.

25. Талаб қилиб олинадиган ҳужжатда (ахборотда) ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тўғрисида қабул қилинган талабноманинг реквизитлари бўлиши керак.

26. Ҳужжатларни қоғозда тақдим этиш солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган нусхалар кўринишида амалга оширилади.

27. Солиқ органига (мансабдор шахсга) тақдим этилган ҳужжатлар нусхаларининг, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, нотариал тасдиқланиши талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

28. Ахборотга доир ҳамкорликни таъминлайдиган ҳужжатлар (ахборот) қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

ҳисобварақлар ишчи режасини илова қилган ҳолда солиқ мониторинги ўтказиладиган календарь йилга бухгалтерия ҳисоби мақсади учун ҳисоб сиёсати, солиқ мониторинги ўтказиладиган календарь йилга солиқ ҳисоби мақсади учун ҳисоб сиёсати – солиқ мониторинги ўтказиладиган йилнинг 1 апрелига қадар;

бухгалтерия ҳисоби регистрлари – тегишли декларация (ҳисоб-китоб) тақдим этилган кундан бошлаб бир ой ичида;

бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари бўйича айланма-қолдиқ қайдномалари, солиқ ҳисобининг аналитик регистрлари – фойда солиғи ҳисоб-китоби тақдим этилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай;

солиқ декларациялари (ҳисоб-китоблари) сатрлари кўрсаткичларининг мазмуни – солиқ декларацияси (ҳисоб-китоби) тақдим этилган кундан бошлаб бир ой ичида;

талаб қилиб олинадиган ҳужжатлар (ахборот) ва тушунтиришларни, шу жумладан, бирламчи ҳисоб ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар (ахборот), ички назорат тизими (ички назорат тизими мавжуд бўлганда) иши натижаларидан иборат бўлган ҳужжатларни ва ички назоратнинг тегишли тартиб-таомили ўтказилганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш муддати – тегишли талабнома олинган кундан бошлаб беш кун ичида.

29. Ҳужжатлар (ахборот) ахборот тизимларига кириш имконияти орқали тақдим этилганда, солиқ тўловчи солиқ мониторинги ўтказиладиган бутун давр мобайнида ҳужжатларга кириш имкониятини таъминлайди.

30. Ҳужжатларнинг асли билан танишиш имкониятини таъминлаш муддати – солиқ органи томонидан солиқ тўловчи хабардор қилинган кундан бошлаб ўн кунни ташкил этади.

31. Солиқ мониторингини ўтказиш давомида солиқ органи илгари тасдиқланган кўчирма нусхалар шаклида тақдим этилган ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли эмас.

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



## 5-боб. Ҳужжатларни (ахборотни) электрон шаклда тақдим этиш тўғрисида талабнома юбориш

32. Ҳужжатларни (ахборотни) телекоммуникация алоқа каналлари, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон кўринишда тақдим этиш тўғрисида талабномани юбориш ва олиш ЭРИдан мажбурий фойдаланиш шарти билан амалга оширилади.

33. Солиқ мониторингининг иштирокчилари ҳужжатларни (ахборотларни) ҳамда талаб қилиб олинадиган ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш учун юборилган ва қабул қилинган барча талабномаларнинг сақланишини таъминлайдилар.

34. Солиқ тўловчига ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тўғрисида талабномани юбориш санаси ёки солиқ органига талаб қилиб олинадиган ҳужжатни (ахборотни) электрон шаклда телекоммуникация алоқа каналлари, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали тақдим этиш санаси бўлиб жўнатилган санани тасдиқлашда қайд этилган сана ҳисобланади.

35. Ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тўғрисида талабнома, солиқ тўловчи томонидан ўқиб чиқилганидан кейин, лекин ушбу талабнома жўнатилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай, солиқ тўловчи томонидан олинган деб ҳисобланади.

36. Талаб қилиб олинадиган ҳужжат (ахборот) ушбу ҳужжат (ахборот) солиқ тўловчи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали жўнатилган кун солиқ органи томонидан олинган деб ҳисобланади.

37. Ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчи томонидан қуйидаги ҳолларда қабул қилинмаган деб ҳисобланади:

солиқ тўловчига хато юборилганда;

тасдиқланган шаклга мос келмаса;

солиқ органи мансабдор шахсининг ЭРИ йўқ бўлганда (мувофиқ келмаганда).

38. Талаб қилиб олинадиган ҳужжат (ахборот) солиқ органи томонидан қуйидаги ҳолларда қабул қилинмаган деб ҳисобланади:

солиқ органига хато юборилганда;

тасдиқланган форматга мос келмаса;

солиқ тўловчи ваколатли мансабдор шахсининг ЭРИ йўқ бўлганда (мувофиқ келмаганда).

39. Ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тўғрисида талабнома юбориш учун солиқ органининг ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилган ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш тўғрисидаги қарори ҳисобланади.

40. Ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тўғрисида талабнома кейинги иш кунидан кечиктирмасдан ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ шаклда электрон шакллантирилади, солиқ органи ваколатли мансабдор

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



шахсининг ЭРИ билан имзоланади ва рўйхатдан ўтказилиб, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади.

41. Солиқ органидан ҳужжатларни (ахборотни) электрон шаклда тақдим этиш тўғрисида талабнома келиб тушганда ва талабномани қабул қилишдан бош тортиш учун 38-бандда белгиланган асослар бўлмаса, солиқ тўловчи у олинган кундан эътиборан бир иш куни ичида қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатни расмийлаштиради, ЭРИ билан имзолайди ва солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали солиқ органига юборади.

42. Ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тўғрисидаги талабномани қабул қилишдан бош тортиш учун 38-бандда белгиланган асослар мавжуд бўлса, солиқ тўловчи қабул қилишдан бош тортиш тўғрисида электрон шаклда хабарномани шакллантиради, ЭРИ билан имзолайди ва солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали солиқ органига юборади.

43. Қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги хабарномани олгандан сўнг солиқ органи ушбу хабарномада кўрсатилган хатоликларни бартараф қилади ва ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тўғрисидаги талабномани юбориш тартиб-таомилини такрорлайди.

44. Солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали талаб қилиб олинадиган ҳужжат (ахборот) электрон шаклда юборилган кундан кейинги иш куни давомида солиқ тўловчи қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқнома ёки солиқ органининг электрон рақамли имзоси билан имзоланган қабул қилиш рад этилганлиги тўғрисидаги хабарномани олиши керак.

45. Солиқ тўловчидан талаб қилиб олинадиган ҳужжат (ахборот) электрон шаклда олинганда ва кўрсатилган ҳужжатни қабул қилишдан бош тортиш учун 39-бандда белгиланган асослар бўлмаган тақдирда, солиқ органи у олинган пайтдан бошлаб бир иш куни ичида қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатни расмийлаштиради, солиқ органининг ваколатли мансабдор шахсининг ЭРИ билан имзолайди ва солиқ тўловчига юборади.

46. Талаб қилиб олинадиган ҳужжатни (ахборотни) қабул қилишдан бош тортиш учун 39-бандда белгиланган асослар мавжуд бўлса, солиқ органи қабул қилиш рад этилганлиги тўғрисида хабарномани шакллантиради, солиқ органининг ваколатли мансабдор шахсининг электрон рақамли имзоси билан имзолайди ва солиқ тўловчига юборади.

47. Қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги хабарномани олгандан кейин солиқ тўловчи ушбу хабарномада кўрсатилган хатоликларни бартараф қилади ва талаб қилиб олинадиган ҳужжатни (ахборотни) юбориш тартиб-таомилини такрорлайди.

48. Агар талабномани белгиланган муддатда ижро этиш имкони бўлмаса, солиқ тўловчи талабнома олинган кундан кейинги иш куни давомида солиқ мониторингини ўтказадиган солиқ органи мансабдор шахсларининг уни ижро этиш имкони йўқлиги тўғрисида сабабларини ҳамда у талаб қилиб олинадиган ҳужжатларни (ахборотни) ва тушунтиришларни қайси муддатлар ичида тақдим этиши мумкин бўлса, ўша муддатларни

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



кўрсатган ҳолда ёзма ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклида хабардор қилади.

49. Талаб қилиб олинадиган ҳужжатларни (ахборотни) ва тушунтиришларни тақдим этишнинг имкони йўқлиги тўғрисида хабарнома солиқ тўловчи томонидан қуйидаги ҳолларда тузилиши ва солиқ органига юборилиши мумкин:

талаб қилиб олинадиган ҳужжатларни (ахборотни) топшириш муддатларини узайтириш зарурати бўлганда – ушбу Низомга 10-иловага мувофиқ шаклда;

талаб қилиб олинадиган ҳужжатлар (ахборот) йўқ бўлганда – ушбу Низомга 11-иловага мувофиқ шаклда;

талаб қилиб олинадиган ҳужжатлар (ахборот) илгари тақдим этилганда – ушбу Низомга 12-иловага мувофиқ шаклда.

50. Солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) мазкур хабарнома асосида у олинган кундан эътиборан икки кун ичида ҳужжатларни (ахборотни) ва тушунтиришларни тақдим этиш муддатларини узайтиради ёки узайтиришни рад этади ҳамда бу ҳақда алоҳида қарор чиқаради.

51. Ҳужжатларни (ахборотни) ва тушунтиришларни тақдим этиш муддатларини узайтириш ёки ҳужжатларни (ахборотни) ва тушунтиришларни тақдим этиш муддатларини узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор ушбу Низомга 13 ва 14-иловаларга мувофиқ шаклда қабул қилинади.

52. Ҳужжатларни (ахборотни) ва тушунтиришларни топшириш муддатини узайтириш тўғрисида қарор, шунингдек, ҳужжатларни (ахборотни) ва тушунтиришларни тақдим этиш муддатларини узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор солиқ тўловчига солиқ органининг ваколатли мансабдор шахси томонидан имзоланган кундан бошлаб бир кун ичида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади.

## 6-боб. Солиқ органининг асослантирилган фикри

53. Агар тақдим этилган тушунтиришлар, ҳужжатлар (ахборот) кўриб чиқилгандан кейин ёхуд улар мавжуд бўлмаганда, солиқ органи солиқлар ва йиғимлар нотўғри ҳисоблаб чиқарилганлиги (ушлаб қолинганлиги), тўлиқ ёки ўз вақтида тўланмаганлиги (ўтказиб берилмаганлиги) тўғрисида далолат берувчи фактни аниқласа, солиқ органи асослантирилган фикрни тузиши шарт.

54. Солиқ органининг асослантирилган фикри солиқ органининг солиқлар ва йиғимлар тўғри ҳисоблаб чиқарилганлиги (ушлаб қолинганлиги), тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлиги (ўтказиб берилганлиги) масалаларига доир нуқтаи назарини ифодалайди.

55. Солиқ органи солиқ мониторингини ўтказиш чоғида ўз ташаббусига кўра ёки солиқ тўловчининг сўровига биноан асослантирилган фикр тузади.

56. Асослантирилган фикр ушбу Низомга 15-иловага мувофиқ шаклда ва 16-иловада келтирилган талабларга мувофиқ тузилади ва солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосари) имзоси билан солиқ тўловчига юборилади.

57. Солиқ органининг асослантирилган фикри солиқ тўловчига шахсан тақдим этилиши мумкин, буюртма почта орқали ва (ёки) электрон шаклда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали, у тузилган кундан эътиборан беш кун ичида юборилиши мумкин.

58. Солиқ органининг асослантирилган фикри солиқ мониторингини ўтказиш муддати тугагунига қадар камида уч ой олдин тузилиши мумкин.

59. Асослантирилган фикр тақдим этиш тўғрисидаги сўров мазкур Низомга 17-иловага мувофиқ шаклда тузилади. Солиқ тўловчи солиқ органига хўжалик фаолиятининг содир этилган фактлари натижаларига кўра солиқ мониторинги ўтказиладиган давр учун солиқлар ва йиғимлар тўғри ҳисоблаб чиқарилганлигига (ушлаб қолинганлигига), тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлигига (ўтказилганлигига) нисбатан шубҳаси ёки ноаниқликлар бўлганда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборади.

60. Солиқ органи асослантирилган фикрни юбориш муддатини узайтириш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида солиқ тўловчига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда хабар қилади.

61. Солиқ тўловчи солиқ органининг асослантирилган фикрига розилиги тўғрисида шу асослантирилган фикрни тузган солиқ органини мазкур асослантирилган фикр бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда бир ой ичида ёзма ёки электрон шаклда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор қилади.

62. Солиқ тўловчи асослантирилган фикрни унда солиқ органининг бухгалтерия (солиқ) ҳисоби ва солиқ ҳисоботи юзасидан баён этилган нуқтаи-назарини эътиборга олиш орқали, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш йўли билан ёки бошқа усулда бажаради.

63. Солиқ тўловчи солиқ органининг асослантирилган фикрига рози бўлмаган тақдирда, у олинган кундан эътиборан бир ой ичида солиқ органига ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали тақдим этади.

64. Мазкур эътирозларни олган солиқ органи улар олинган кундан эътиборан уч кун ичида бу эътирозларни ўзида мавжуд бўлган барча материаллар билан бирга Давлат солиқ қўмитасига ўзаро келишув тартиб-таомили ташаббуси билан чиқиш учун юбориши шарт.

65. Солиқ органи солиқ мониторинги тугаган санадан эътиборан икки ойдан кечиктирмай солиқ тўловчини солиқ мониторингини ўтказиш жараёнида ушбу солиқ тўловчига юборилган, бажарилмаган асослантирилган фикрлар мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида ушбу Низомга 18-иловага мувофиқ шаклда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор қилади.

66. Солиқ кодексининг 172-моддасига мувофиқ солиқ мониторинги муддатидан олдин тугатилган тақдирда, солиқ органи ёзма ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда ушбу Низомга 19-иловага мувофиқ шаклда хабарнома юборади.

## 7-боб. Ўзаро келишув тартиб-таомили

67. Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 174-моддаси ўн бешинчи қисмига мувофиқ солиқ органи томонидан тақдим этилган эътирозлар ва материаллар олинганидан кейин ўзаро келишув тартиб-таомилини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

68. Ўзаро келишув тартиб-таомили солиқ органи томонидан тақдим этилган эътирозлар ва бошқа материаллар олинган кундан эътиборан бир ой ичида Давлат солиқ қўмитаси раиси (раис ўринбосари) томонидан ўтказилади.

69. Ўзаро келишув тартиб-таомили иштирокчилари:

асослантирилган фикрни тузган солиқ органи;

эътирозларни тақдим этган солиқ тўловчи (унинг вакили).

70. Давлат солиқ қўмитаси раиси (раис ўринбосари) буйруғи билан ўзаро келишув тартиб-таомилига солиқ органларининг таркибий бўлинмаларининг ваколатли мансабдор шахсларининг иштирок этишига йўл қўйилади.

71. Ўзаро келишув тартиб-таомили ўтказилганда баённома тузилади. Баённомада қуйидагилар кўрсатилади:

солиқ мониторингини ўтказиш асоси ва даври;

ўзаро келишув тартиб-таомил ўтказиладиган жой ва сана;

ўзаро келишув тартиб-таомилининг бошланиш ва тугатилиш вақти;

баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;

унинг ўтказилишида иштирок этган ҳар бир шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

солиқ мониторинги иштирокчилари ўртасида келишмовчиликларни келтириб чиқарган асослантирилган фикрнинг рақами ва санаси;

ўзаро келишув тартиб-таомилини ўтказиш мазмуни ва кетма-кетлиги;

иш юритиш давомида аниқланган иш учун муҳим фактлар ва ҳолатлар;

ўзаро келишув тартиб-таомили натижалари бўйича хотималар ва хулосалар.

72. Баённома ўзаро келишув тартиб-таомили қатнашчилари ва барча иштирок этган шахсларга ўқиб эшиттирилади. Мазкур шахслар баённомага эътироз билдиришга ёки баённомага киритилиши лозим бўлган ҳолатлар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидир.

73. Баённома ўзаро келишув тартиб-таомилини ўтказиш жараёни қатнашчилари ва барча иштирок этган шахслар томонидан имзоланади.

74. Ўзаро келишув жараёнини ўтказиш учун асос бўлган барча материаллар баённомага илова қилинади.

75. Ўзаро келишув тартиб-таомиллари натижаларига кўра Давлат солиқ қўмитасининг раиси (раҳбарнинг ўринбосари) асослантирилган фикрни ўзгартириш ёки уни ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида билдиришномани имзолайди.

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



Билдиришнома у тузилган кундан эътиборан уч кун ичида юридик шахсга берилади ёки юборилади.

76. Асослантирилган фикр ўзгартирилганлиги ёки ўзгаришсиз қолдирилганлиги тўғрисидаги билдиришнома ушбу Низомга 20-иловага мувофиқ шаклда тузилади ва Давлат солиқ қўмитаси раиси (раис ўринбосари) томонидан имзоланади.

77. Билдиришнома, у тузилган кундан бошлаб уч кун ичида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда солиқ тўловчига топширилади ёки юборилади.

78. Солиқ тўловчига ёзма ёки электрон шаклда юборилган сўров бўйича солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали сўралган асослантирилган фикрни ўзгартириш ёки уни ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси тақдим этилиши ёки юборилиши мумкин.

79. Асослантирилган фикрни ўзгартириш ёки уни ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги билдиришнома олинган кундан эътиборан бир ой ичида солиқ тўловчи асослантирилган фикрни тузган солиқ органини асослантирилган фикрга рози эканлиги (рози эмаслиги) ҳақида мазкур асослантирилган фикр бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (мавжуд бўлган тақдирда) илова қилган ҳолда хабардор қилади.

80. Солиқ тўловчи ўзаро келишув тартиб-таомили натижаларига кўра асослантирилган фикрни ўзгартириш ёки ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги билдиришнома бўйича солиқ органини асослантирилган фикрга рози эканлиги (рози эмаслиги) ҳақида мазкур асослантирилган фикр бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (улар мавжуд бўлган тақдирда) илова қилган ҳолда белгиланган муддатда хабардор қилмаса, мазкур солиқ тўловчига нисбатан Солик кодексида белгиланган тартибда солиқ назорати тадбирлари ўтказилади.

81. Солиқ тўловчи ўзаро келишув тартиб-таомили жараёнини фото ва видеотасвирга туширишга ҳақли.

## 8-боб. Якунловчи қоидалар

82. Солиқ органларининг ушбу Низомга риоя этилишини назорат қилиш Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалга оширилади.

83. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Солиқ мониторингини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

# Солиқ мониторингини ўтказиш
# СХЕМАСИ

| **Босқичлар** | **Субъектлар** | **Тадбирлар** | **Бажариш муддатлари** |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Солиқ тўловчи | Ҳисобда турган жойдаги солиқ органига ёзма шаклда (почта орқали) ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда белгиланган тартибда ариза тақдим этади. | Заруратга кўра *(солиқ мониторинги ўтказиладиган даврдан олдинги йилнинг 1 июлидан кечиктирмай)* |
| 2-босқич | Солиқ органи | Аризани ва унга бириктирилган ҳужжатларни тегишлилиги бўйича юқори турувчи Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар давлат солиқ бошқармаларига, йирик солиқ тўловчилар бўйича эса – Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига (ЙСТБҲДСИ) кўриб чиқиш учун юборади. | Ариза қабул қилинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида |
| 3-босқич | Давлат солиқ бошқармаси, ЙСТБҲДСИ | 1. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни (ахборотни) кўриб чиқади ҳамда солиқ мониторингини ўтказиш ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.<br>2. Қабул қилинган қарорни ариза берувчига ёзма равишда ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда юборади. | 1. Ариза берилган йилнинг 1 ноябрига қадар<br>2. Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида |
| 4-босқич | Давлат солиқ бошқармаси, ЙСТБҲДСИ | Солиқ мониторингини ўтказиш жараёнида:<br>реал вақт режимида солиқ тўловчининг операциялари ва ҳужжатларини масофадан туриб кузатиб боради;<br>солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг синтетик ва аналитик ҳисобини юритиш тартибини таҳлил қилади;<br>ҳар бир операциянинг ҳужжатли тасдиғини текширади;<br>солиқ базаси солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ тўғри шакллантирилишини назорат қилади;<br>солиқ мажбуриятларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоботида ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри акс эттирилганлигини, шунингдек, уларнинг бажарилишини назорат қилади;<br>солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг асосланганлигини назорат қилади. | Солиқ мониторингини ўтказиш даврида *(солиқ мониторинги ўтказиладиган йилнинг 1 январидан кейинги йилнинг 1 июлига қадар)* |

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



| | | | |
|---|---|---|---|
| 5-босқич | Давлат солиқ бошқармаси, ЙСТБХДСИ | Солиқ мониторингини ўтказиш даврида ёки мониторинг натижаси бўйича тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар ўртасида тафовутлар ёхуд солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ва солиқ органида мавжуд бўлган маълумотлар ўртасида номувофиқликлар аниқланган тақдирда, солиқ тўловчига ушбу ҳолатларга тушунтиришлар бериш ёки тегишли тузатишлар киритиш талаби билан ёзма шаклда ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда талабнома юборади. | Заруратга кўра |
| 6-босқич | Солиқ тўловчи | Солиқ органининг талабномасига биноан:<br>1. Ёзма ёки шахсий кабинети орқали электрон шаклда тушунтиришлар тақдим этади.<br>2. Ҳужжатларга тегишли тузатишлар киритади. | 1. Талабнома олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида<br>2. Талабнома олинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида |
| 7-босқич | 1. Солиқ тўловчи<br>2. Давлат солиқ бошқармаси, ЙСТБХДСИ | Давлат солиқ бошқармаси ёки ЙСТБХДСИга солиқ мониторинги даврида ёки мониторинг натижаси бўйича солиқ ва йиғимларнинг тўғри ҳисоблаб чиқилганлигига оид масалалар юзасидан асослантирилган фикрини олиш учун сўровнома юборади.<br>Солиқ тўловчининг сўровига биноан солиқ органининг асослантирилган фикрини тузади ва ёзма равишда ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда юборади. | 1. Заруратга кўра<br>2. Сўров олинган кундан бошлаб ўн беш кун мобайнида. *(қўшимча ҳужжатлар талаб қилинса бир ой муддатда)* |
| 8-босқич | Солиқ тўловчи | 1. Давлат солиқ бошқармаси, ЙСТБХДСИнинг асослантирилган фикрига розилиги тўғрисида ҳамда ушбу асослантирилган фикр бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ёзма ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда хабардор қилади.<br>2. Солиқ органининг асослантирилган фикрига рози бўлмаган тақдирда, солиқ органига ўз эътирозларини ёзма ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда тақдим этади. | Асослантирилган фикр олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида |
| 9-босқич | Давлат солиқ бошқармаси, ЙСТБХДСИ | Солиқ тўловчининг эътирозларини ўзида мавжуд бўлган барча материаллар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ўзаро келишув тартиб-таомили ташаббуси билан чиқиш учун юборади. | Эътирозлар олинган кундан бошлаб уч кун мобайнида |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 10-босқич | Давлат солиқ қўмитаси | 1. Солиқ мониторингини ўтказган Давлат солиқ бошқармаси ёки ЙСТБҲДСИ томонидан тақдим этилган эътирозлар ва бошқа материаллар асосида ўзаро келишув тартиб-таомилини ўтказади.<br>2. Асослантирилган фикр ўзгартирилганлиги ёки ўзгаришсиз қолдирилганлиги тўғрисидаги билдиришномани ариза берувчига юборади. | 1. Материаллар олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида<br>2. Билдиришнома тузилган кундан бошлаб уч кун мобайнида |
| 11-босқич | Солиқ тўловчи | Асослантирилган фикрни ўзгартириш ёки уни ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги билдиришномага рози эканлиги (рози эмаслиги) ҳақида мазкур асослантирилган фикр бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (мавжуд бўлган тақдирда) илова қилган ҳолда Давлат солиқ бошқармаси ёки ЙСТБҲДСИни хабардор қилади. | Билдиришнома олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида |

Солиқ мониторингини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

________________________________
(солиқ органининг номи)

20____ йил "____" __________
__________ - сон

**Солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисида**
**АРИЗА**

______________________________________________ (СТИР: ____________)
(солик тўловчининг номи)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (кейинги ўринларда – Солиқ кодекси) 19-боби 169-175-моддаларига биноан __________ йил учун солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши (ушлаб қолиниши), тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши (ўтказиб берилиши) бўйича солиқ мониторингини ўтказишни сўрайди.

Жойлашган жойи манзили (почта манзили):____________________________
________________________________________________________________________

Солиқ кодекснинг 169-моддаси бешинчи қисми билан белгиланган шартларга мувофиқлигини тасдиқлаймиз:

йиллик молиявий ҳисобот маълумотлари бўйича ўтган йилдаги даромадлар _____________ (____________________________________________)
(сўз билан)

сўмни ташкил этди.

Иловалар:

1) юридик шахсда бевосита ва (ёки) билвосита иштирок этадиган ҳамда бундай иштирок улуши 25 фоиздан ортиқни ташкил этадиган жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги ахборот;

2) ахборотга доир ҳамкорлик регламенти ____ варақда;

3) солиқ солиш мақсади учун амалдаги ҳисоб сиёсати ____ варақда.

Солиқ тўловчининг
раҳбари ________________ ________________________
(имзо) (Ф.И.О.)

Солиқ мониторингини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

___________________________________
(Солиқ органи номи)

20____ йил “_____” __________
______ - сон

**Солиқ мониторинги ўтказишни рад этиш тўғрисида**
**АРИЗА**

__________________________________________________ (СТИР: ___________),
**(солиқ тўловчининг номи)**

__________ йил учун солиқ мониторинги ўтказишни рад этади ҳамда ________________ даги ________- сонли солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги аризани қайтаришни сўрайди.

Солиқ тўловчининг
раҳбари

________________ (имзо)

________________________ (Ф.И.О.)

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.

Солиқ мониторингини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

| СТИР | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

**Солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этган юридик шахсда бевосита ва (ёки) билвосита иштирок этадиган ҳамда бундай иштирок улуши 25 фоиздан ортиқни ташкил этадиган жисмоний ва юридик шахслар тўғрисида**
**МАЪЛУМОТЛАР**

____________________________________________________________
(солиқ тўловчининг номи)

| Иштирокчи рақами | Юридик шахснинг номи/иштирокчи жисмоний шахснинг Ф.И.О (резидент/норезидент) | Бевосита иштирок улуши, % | Билвосита иштирок этиши, % |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | Жами | | |

Мазкур бетда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини ва тўлиқлигини тасдиқлайман:

Солиқ тўловчининг
раҳбари ________________ ________________________
(имзо) (Ф.И.О.)

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



______________________________________________________да

(солиқ тўловчи номи)

**иштирок этадиган юридик шахслар тўғрисида**

**МАЪЛУМОТЛАР**

**Юридик шахс - норезидент** | Иштирокчи рақами | | | | |

Номи

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

норезидентнинг рўйхатдан ўтган мамлакат коди*

норезидентнинг рўйхатдан ўтган мамлакатдаги рўйхат рақами (мавжуд бўлганда)

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

норезидент рўйхатдан ўтган мамлакатдаги солиқ тўловчининг коди ёки шунга ўхшаш (агар мавжуд бўлса)

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

норезидентнинг рўйхатдан ўтган мамлакатдаги манзили

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

**Юридик шахс - резидент** | Иштирокчи рақами | | | | |

Номи

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

СТИР | | | | | | | | | |  ИФУТ | | | | | | | | | |

Жойлашган жойи манзили (почта манзили)

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

Мазкур бетда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини ва тўлиқлигини тасдиқлайман:

Солиқ тўловчининг
раҳбари ______________ _____________________

(имзо) (Ф.И.О.)

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



______________________________________________________________да
(солиқ тўловчи номи)

**иштирок этадиган жисмоний шахслар тўғрисида**
**МАЪЛУМОТЛАР**

| Иштирокчи рақами | | | | |
|---|---|---|---|---|

1. Фамилияси ___________________________
2. Исми ___________________________
3. Отасининг исми ___________________________
4. Жинси ☐ 1 – эркак; 2 - аёл
5. Туғилган санаси ________ й. “_____” _______________
6. Туғилган жойи ___________________________
7. Фуқаролиги ___________________________
7.1. Чет эл фуқароси учун:
Рўйхатдан ўтган мамлакат коди ☐☐☐

8. Шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат тўғрисида маълумотлар:
Ҳужжат тури ______________________
серияси ________________________ рақами ______________________
Ҳужжатни берган органнинг номи ______________________________
_____________________________________________________
Берилган сана _____________

9. Жисмоний шахснинг яшаш жойи (турган жойи) бўйича рўйхатдан ўтганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг реквизитлари (паспортдан бошқача шахсни тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим этилган тақдирда тўлдирилади):
Ҳужжат тури __________________ Рўйхат рақами _________________
Ҳужжатни берган орган номи ______________________________
Ҳужжат берилган сана ______________________

10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш (турган) жойи манзили:
Почта индекси _______________
Вилоят _____________________________________________________
Шаҳар _____________________________________________________
Кўча (шоҳ кўча, тор кўча ва бошқалар) ____________________________
уй _________ бино (иморат) __________ хонадон ___________

11. Чет эл фуқаросининг доимий яшаш мамлакатида яшаш жойи манзили_________________________________________________________
_____________________________________________________

Мазкур бетда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини ва тўлиқлигини тасдиқлайман:

Солиқ тўловчининг
раҳбари ______________ ______________________
(имзо) (Ф.И.О.)

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.

Солиқ мониторингини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

**Солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисида**
**___-сон**
**ҚАРОР**

_______________ (сана) _____________ шаҳри

_____________________________________ раҳбари (раҳбар ўринбосари)
(солиқ органининг номи)
____________________________________________________________,
(Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 171-моддасига асосан _____________________________________ (СТИР: _____________)
26. Ушбу Низом талабларига риоя қилмаган айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Солиқ тўловчининг банк ҳисобварақлари билан
боғлиқ операциялар бўйича солиқ органи ва
банк тизими ўртасида электрон маълумот
алмашиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Солиқ тўловчининг топшириқномаси ёки солиқ органи инкассо топшириқномасининг бажарилмаганлиги
(қисман бажарилганлиги) тўғрисида

**БАНК ХАБАРНОМАСИ**

| | | | |
|---|---|---|---|
| Сана | | Ҳудуд номи | |
| 1. Хизмат кўрсатувчи банк номи | | 2. Банк МФО | |
| 3. Солиқ тўловчининг тўлиқ номи | | 4. Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) | |
| 5. Ҳужжат тури а) тўлов топшириқномаси | | 6. Тўлов ҳужжатининг а) санаси | |
| б) инкассо топшириқномаси | | б) рақами | |
| 7. Солиқ органининг номи | | 8. Солиқ органи идентификация рақами (СТИР) | |
| 9. Солиқ турининг коди | | 10. Солиқ турининг номи | |
| 11. Ғазначилик шахсий карточка рақами | | 12. Тўлов ҳужжати суммаси | |
| 13. Тўлов ҳужжати асосида тўланган сумма | | 14. Тўлов ҳужжати бўйича қолдиқ сумма | |
| 14. Қарздорнинг муддатили депозит ҳисобварақларидаги пул маблағлари | | 16. Муддатли депозит ҳисобварағи шартномасининг тугаш муддати | |
| а) миллий валютада | | а) миллий валютада | |
| б) чет эл валютасида | | б) чет эл валютасида | |

Солиқ тўловчининг банк ҳисобварақлари билан боғлиқ операциялар бўйича солиқ органи ва банк тизими ўртасида электрон маълумот алмашиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**ҚАРОР № ______**

**Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисида**

20__ йил __ "________" ___________туман (шаҳар)
(автоматик шакллантирилади)

Мен, ____________ давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (ёки ўринбосари) ____(Ф.И.О.) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддаси ___-бандига асосланган ҳолда

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.** ______________ давлат солиқ инспекциясида солиқ тўловчи бўлиб рўйхатдан ўтган "_________________" (СТИР: ___________) ____*(юридик шахс, ЯТТ ёки деҳқон хўжалиги)*нинг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кунга тўхтатилсин.

Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

**2.** Банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб турилиши тўғрисида солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) шахсий кабинетига хабарнома ҳамда қарорни ижро қилиш учун "______________" банкига (ёки филиалига) юборилсин.

**___________ давлат солиқ инспекцияси**
**бошлиғи (ёки ўринбосари)** ______________

*Ижрочи: (Ф.И.О.)*
*Тел:* ___________

Солиқ тўловчининг банк ҳисобварақлари билан боғлиқ операциялар бўйича солиқ органи ва банк тизими ўртасида электрон маълумот алмашиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**_____________ ТУМАНИ (шаҳри)**
**ДАВЛАТ**
**СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ**
**(ёки Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро ДСИ бошлиғи ёки ўринбосари)**
*Манзили* ____________________
_____________________________
Тел. _________, Факс. ________

________________________________
*(солиқ тўловчининг ёки агентнинг номи)*
________________________________
*(СТИР)*
________________________________
*(манзили (почта манзили))*

20__ йил "____" ___________
______________________ -сон

## ХАБАРНОМА

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддаси __-бандига *(банд мазмуни баён этилади)* асосан Сизнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақлар бўйича операцияларингиз тўхтатиб турилади.

Шунингдек, тижорат банкларидаги ҳисобварақлар бўйича операциялар тўхтатилганидан кейин 10 кунда аниқланган камчиликлар бартараф этилиши таъминланмаса, суд тартибида тўхтатиб турилиши маълум қилинади.

**ДСИ бошлиғи (ёки ўринбосари)** ______________
(ёки Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро ДСИ бошлиғи ёки ўринбосари)

*Ижрочи: (Ф.И.О.)*
*Тел:* ___________

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.

Солиқ тўловчининг банк ҳисобварақлари билан
боғлиқ операциялар бўйича солиқ органи ва банк
тизими ўртасида электрон маълумот алмашиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

**ҚАРОР №______**

**Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш тўғрисида**

20__ йил __ "_________" ___________тумани (шаҳри)
(автоматик шакллантирилади)

Мен, ____________ давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ___________ (ёки ўринбосари), "____________" (СТИР: ___________) __________ *(юридик шахс, ЯТТ ёки деҳқон хўжалиги)* томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддаси ___-бандида белгиланган камчиликлар бартараф этилганлиги сабабли мазкур Кодекснинг 112-моддаси ___-бандига асосланган ҳолда

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.** _______________ давлат солиқ инспекциясида солиқ тўловчи бўлиб рўйхатдан ўтган "__________________" (СТИР: ___________) *(МЧЖ, ХФ, ЯТТ ва бошқа)*нинг "_______________" банк (филиали)даги асосий ва бошқа банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча операциялари фаоллаштирилсин.

**2.** Қарорнинг бир нусхаси солиқ тўловчининг шахсий кабинетига ҳамда қарорни ижро қилиш учун "_______________" банки (ёки филиали) бошқарувчисига юборилсин.

**__________ давлат солиқ инспекцияси**
**бошлиғи (ёки ўринбосари)** ____________

*Ижрочи: (Ф.И.О.)*
*Тел:* ___________

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “20” ноябрдаги 736 сон қарорига
3-илова

# Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ундирилган давлат божи ва бошқа йиғимларнинг бюджет тизимига тушумларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида
# НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16 ва 17-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 89-моддасига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ундирилган давлат божи ва бошқа йиғимларнинг бюджет тизимига тушумларини ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан чет элда ундириладиган консуллик йиғимларига, божхона органлари томонидан хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун ундириладиган йиғимларга татбиқ этилмайди.

3. Давлат божи ва бошқа йиғимларни ундирадиган давлат органлари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда – ваколатли орган) давлат божи ва бошқа йиғимларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўлиқ ундириб олинишини таъминлайдилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва ваколатли органларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ўз вақтида ўтказилиши устидан назоратни амалга оширадилар.

Бунда Давлат хизматлари марказлари ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматлари кўрсатишда давлат хизмати учун ваколатли орган давлат божлари ва йиғимларни ундиришга масъул ҳисобланади.

## 2-боб. Давлат божи ва бошқа йиғимлар тушумлари ҳисобини юритиш, тўлаш ва ҳисоботини тақдим этиш

4. Ваколатли органлар давлат божи ва бошқа йиғимлар бўйича тушумларнинг ҳисобини ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда Давлат божи ва бошқа йиғимлар тушумларини электрон ҳисобга олиш китобида ёки биллинг тизими орқали юритадилар. Бунда тушумларнинг ҳисобини юритиш бўйича белгиланган тартибда босқичма-босқич биллинг тизимига ўтилгандан сўнг мазкур китобни юритиш тўхтатилади.

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



5. Давлат божи ва бошқа йиғимлар тушумларини электрон ҳисобга олиш китоби ҳар куни иш куни охиригача ваколатли органнинг масъул ходими томонидан юритилади.

6. Давлат божи ва бошқа йиғимларнинг ҳар бир тушуми алоҳида сатрга киритилади.

7. Давлат божи ва бошқа йиғимлар тушумларини электрон ҳисобга олиш китоблари тегишли ҳисобот йили якунлангандан кейин беш йил сақланади.

8. Давлат божи ва бошқа йиғимлар тушумларини электрон ҳисобга олиш китобларига ёзувлар қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатлар асосида киритилади:

давлат божи ва бошқа йиғимлар накд пулда ёки банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда тўланганда – банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция ёки тўловни амалга оширган мансабдор шахс ёхуд ваколатли органнинг кассаси томонидан тўловчига бериладиган ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги квитанция;

давлат божи ва бошқа йиғимлар накд пулсиз шаклда тўланганда - банкнинг қоғоз ёки электрон шаклдаги тўлов ҳужжати.

9. Давлат божи ва бошқа йиғимлар накд пулсиз ўтказилганлигига доир тўлов топшириқномалари, давлат божи ва бошқа йиғимларни тўлаш учун пул қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги квитанция давлат божи ва бошқа йиғимларни ундирадиган ваколатли органларда қоладиган тегишли материалларга қўшиб қўйилади.

10. Давлат божи ва бошқа йиғимлар тўлашдан озод этилган ҳолларда Давлат божи ва бошқа йиғимлар тушумларини ҳисобга олиш китобига имтиёзни тасдиқловчи ҳужжатларнинг номи, рақами, санаси ва тегишли моддаси тўғрисида белги қўйилади.

11. Тўловчининг давлат божи ва бошқа йиғимларни накд пул шаклида тўлаганлиги факти банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция ёки биллинг системаси ёрдами билан тасдиқланади.

12. Давлат божи ва бошқа йиғимларнинг бир қисми ваколатли орган тасарруфида қолдирилган тақдирда, давлат божи ва бошқа йиғимлар ягона ҳисобварағига ўтказилиб, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда ваколатли орган ўртасида қонун ҳужжатларига мувофиқ тақсимланган ҳолда тўланади.

13. Давлат божи ва бошқа йиғимлар тушумлари бўйича ҳисобот ваколатли органлар томонидан ўзи жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

## 3-боб. Якунловчи қоида

14. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан
ундирилган давлат божи ва бошқа йиғимларларнинг
бюджет тизимига тушумларини ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова**

## Давлат божи ва бошқа йиғимлар тушумларини электрон ҳисобга олиш китоби

____________________________________
(давлат божи ёки бошқа йиғимнинг номи)

сўм

| Т.р | Юридик шахснинг номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О. | СТИР | Давлат божи ёки бошқа йиғимнинг ҳисобланиши | | | Давлат божи ёки бошқа йиғимнинг тўланиши | | | | Давлат божи ёки бошқа йиғимни тўлашдан озод қилиниши (ёки камайтирилиши) | | Давлат божи ёки бошқа йиғимнинг қайтарилишига асос (ваколатли органнинг ҳужжати) | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ёзув санаси | ставка миқдори | суммаси | тасдиқловчи ҳужжат | | сумма | ҳисобвараги | норматив-ҳуқуқий ҳужжат номи, рақами, санаси ва тегишли моддаси | сумма | сана | рақами | сумма |
| | | | | | | сана | рақами | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Жами** | | | | | | | | | | | | | |

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ундирилган давлат божи ва бошқа йиғимларнинг бюджет тизимига тушумларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

(орган ёки ташкилот)

(таркибий бўлинма)

| | Ҳужжат рақами | Сана |
|---|---|---|
| **Касса кирим ордери** | | |

| Дебет | Кредит | | | | Сумма сўм, тийин | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Таркибий бўлинма коди | Боғланувчи счётлар | Аналитик хисоб коди | | | |
| | | | | | | | |

Қабул қилинди

Асос:

Сумма
(сумма ёзувда)

сўм ____ т.

илова

Бош бухгалтер ____ (имзо) ____ (Ф.И.О)

Қабул қилган кассир ____ (имзо) ____ (Ф.И.О.)

Қ и р қ и ш ч и з и ғ и

(орган ёки ташкилот)
**КВИТАНЦИЯ**

**Касса кирим ордери сони** ____

"____" ______ ____ й.

Қабул қилинди ______

Асос: ______

Сумма ______ сўм ____
(рақам билан)

(сумма ёзувда)

сўм ____

Шу жумладан ______

"____" ______ ____ й.

М.Ў.

Бош бухгалтер ______
(имзо) (Ф.И.О.)

Кассир ____ (имзо) ____ (Ф.И.О.)

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “20” ноябрдаги 736-сон қарорига
4-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1.** 1-иловада:

а) 2-бандда:

ўн иккинчи хатбошидан “кунлик” сўзи чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

**“электрон тижорат** – Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолияти”;

б) 7-банднинг ўн олтинчи–йигирманчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“харид учун тўловнинг қўшилган қиймат солиғи жами суммаси;

тўлов санаси ва вақти;

фискал модулнинг такрорланмайдиган рақами;

фискал белги;

берилган касса чекининг ҳақиқийлигини текшириш учун камида 30х30 миллиметр ўлчамдаги QR-код.

Операторга юбориладиган чекдаги товарлар ва хизматлар кодлари (улар мавжуд бўлган ҳолларда) халқаро “GS1” ёки бошқа глобал тизимлар асосида юритиладиган рақамлар билан бир хил бўлиши лозим.

Чекда қўшимча равишда бошқа реквизитлар ҳам кўрсатилиши мумкин”

в) 15-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Махсус ахборот тизимидаги шахсий кабинетларга фойдаланувчининг электрон рақамли имзо калити орқали кирилади. ТХКМ, унинг филиаллари ёки шериклик асосидаги ҳамкорлари махсус ахборот тизимидан ёки ТХКМнинг махсус ахборот тизимига боғланган дастурий маҳсулотидан ўзларининг шахсий электрон рақамли имзо калити орқали фойдаланадилар”;

г) 16-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи-учинчи хатбошилар қўшилсин:

“Кўчма савдо фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан онлайн-НКМ ёки виртуал кассалар ўзлари рўйхатдан ўтган жой бўйича туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларидан ушбу низом талаблари асосида рўйхатдан ўтказилади.

Агар, тадбиркорлик субъектига тегишли турғун савдо шохобчаси фаолияти тўхтатилиб, шохобчада ўрнатилган онлайн-НКМ ёки виртуал кассани кўчма савдо объектларида қўллаш зарурати юзага келган ҳолларда тадбиркорлик субъекти бу ҳақида фаолиятини бошлашидан олдин рўйхатдан ўтган жой бўйича давлат солиқ инспекцияларини кўчма савдони амалга ошириш жойи ва муддатини кўрсатган ҳолда хабардор қилади";

иккинчи–олтинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи-саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошидаги "турғун шаҳобча" сўзларидан кейин "(кўчма савдо объекти)" сўзлари қўшилсин,

еттинчи хатбошидаги "турғун савдо (хизмат кўрсатиш) шаҳобчаси" сўзларидан кейин "(кўчма савдо объекти)" сўзлари қўшилсин;

д) 18-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

"Ариза, махсус ахборот тизимида қайд этилган вақтдан бошлаб давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан саккиз иш соати ичида кўриб чиқилади ва мазкур Низомнинг 21-банди иккинчи-тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолатлар аниқланмаган тақдирда қабул қилинади";

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

е) 33-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

"Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал касса ТХКМ томонидан созлангандан ёки захирадаги ўрнатилгандан сўнг тадбиркорлик субъекти бир иш куни ичида махсус квитанция дафтари асосида амалга оширилган савдолар тўғрисидаги маълумотларни онлайн-НКМ ёки виртуал касса тизимига киритиши лозим";

ж) 45-банддаги "уч" сўзи "ўн" сўзи билан алмаштирилсин;

з) 54-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"54. Оператор ваколатли орган билан биргаликда ТХКМга юкланган вазифалар тўлик бажарилишини назорат қилиб боради. ТХКМга юкланган талаблар бажарилмаган тақдирда, оператор марказга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни кўриш бўйича ваколатли органга таклиф киритади";

и) 55-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

"Бунда оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар тадбиркорлик субъектлари томонидан нақд пулда ва нақд пулсиз кўринишда амалга оширилиши мумкин";

й) Низомга 1-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



"Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

______________________________
(техник хизмат кўрсатиш маркази номи)
техник хизмат кўрсатиш марказига

# АРИЗА

(Онлайн-НКМ ёки виртуал кассани турғун шохобча (кўчма савдо объекти) жойлашган жой бўйича давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида)

Сиздан, ______________________________________________
(шохобча (кўчма савдо объекти) манзили)
манзилида жойлашган, __________________________________
(тадбиркорлик субъектининг номи)
(СТИР:____________)га қарашли, __________________________
(амалга ошириладиган фаолият тури)
савдо шохобчасида фойдаланиш учун, ______________________ русумли, завод рақами (версияси) ____________________бўлган онлайн-НКМ (виртуал касса) ва ____________________________ серия рақамли фискал модулни, ____________________________давлат солиқ инспекциясида рўйхатга қўйишда амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Турғун шохобча (кўчма савдо объекти) мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг нусхалари (бино, иншоотнинг ёки унинг қисмининг ижара шартномаси ёки кадастр ҳужжатлари).

2. Турғун савдо (хизмат кўрсатиш) шохобчаси (кўчма савдо объекти) манзилининг харитадаги координатаси.

________________________________ ____________ ____________
(Тадбиркорлик субъекти раҳбарининг Ф.И.О.) (имзо) (сана)

"

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



к) Низомга 2-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал касса тизимини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Онлайн-НКМ ёки виртуал касса давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар**

Ушбу рўйхатга олинганлик тўғрисидаги маълумот ____________________________ (СТИР: ____________)га
(тадбиркорлик субъекти номи)
тегишли бўлган онлайн-НКМ ёки виртуал касса тизими махсус ахборот тизимида қайд этилганлиги тўғрисида берилди.

| **Реестр рақами** | **Онлайн-НКМ ёки виртуал касса номи** | **Завод (серия ёки лицензия) рақами** | **Фискал модул серия рақами** | **Онлайн-НКМ ёки виртуал касса жойлашган манзил** | **Онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг ҳолати** | **Сана** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |

______________________________ (м.ў.) ____________ ____________
(Давлат солиқ хизмати органи раҳбари Ф.И.О.) (имзо) (сана)

______________________________ ____________ ____________
(Рўйхатдан ўтказиш бўйича маъсул ходим Ф.И.О.) (имзо) (сана)”

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



л) Низомга 3-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни
амалга оширишда онлайн назорат-касса
машиналари ва виртуал касса тизимини
қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

________________________________
(техник хизмат кўрсатиш маркази номи)

техник хизмат кўрсатиш марказига

## АРИЗА

(Онлайн-НКМ ёки виртуал касса тизимини турғун шохобча (кўчма савдо объекти) жойлашган жой бўйича давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан чиқариш тўғрисида)

Сиздан, мен фаолият юритаётган________________________________
(шохобча (кўчма савдо объекти) манзили)
______________________________________________манзилида жойлашган,
______________________________________________(СТИР:____________)га
(тадбиркорлик субъектининг номи)
қарашли, ______________________________ савдо шаҳобчасида фойдаланиш
(амалга ошириладиган фаолият тури)
учун ______________________________ русумли, завод рақами (версияси) _____________________________ бўлган онлайн-НКМ (виртуал касса) ва ______________________________ серия рақамли фискал модулни, ________________________________ давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан чиқариш учун амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Онлайн-НКМ (виртуал касса), _______________________________ давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан чиқариш сабаби: ________________
________________________________________________________________
________________________________________________________________

Қуйидагилар илова қилинади:
1. Фискал модул ____ дона.
2. Қўшимча ҳужжатлар.

| ______________________________ | __________ | __________ |
|---|---|---|
| (Тадбиркорлик субъекти раҳбарининг Ф.И.О.) | (имзо) | (сана)” |

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



**2.** 2-иловада:

а) 3-бандда:

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“техник жиҳатдан имконият бўлганда, чек маълумотлари билан жойлашган жойи бўйича геолакация (узунлик ва кенглик) маълумотларини операторга юбориш”;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“24 соат оффлайн режимида ишлагандан сўнг автоматик блоклаш тизимига ўтиш”;

ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“мобиль алоқа операторининг интернет тармоғига 2G ва ундан юқори стандартлар асосида, шунингдек, CDMA ва Wi-Fi стандартлари орқали алоқа тармоғига боғланиш имкониятининг мавжудлиги;”;

ўн саккизинчи хатбошидаги “таъминлаш имкониятининг мавжудлиги” сўзлари “таъминлаши ёки вақт ва санани оператор серверидан олиш имкониятининг мавжудлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

“Онлайн-НКМга ўрнатилган дастурий маҳсулотга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Фискал маълумотлар, шунингдек, уларни операторга юборишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда оператор ва “Киберхавфсизлик маркази” ДУКдан қайта хулоса олиниши шарт”;

б) 6-бандда:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“24 соат оффлайн режимида ишлагандан сўнг автоматик блоклаш тизимига ўтиш”;

ўн учинчи хатбошидаги “мослаштириш имкониятининг мавжудлиги” сўзлари “мослаштиришни таъминлаши ёки вақт ва санани оператор серверидан олиш имкониятининг мавжудлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

“Виртуал кассага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Фискал маълумотлар, шунингдек, уларни операторга юборишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда оператор ва “Киберхавфсизлик маркази” ДУКдан қайта хулоса олиниши шарт.

Товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишни электрон тижорат орқали амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари фискал маълумотларни операторга узатишни Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган виртуал касса дастурий маҳсулоти орқали амалга ошириши мумкин”.

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



**3.** 3-иловада:

а) 3-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Шунингдек, онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассага хизмат кўрсатишга талаб бўлган ҳудудларда ҳамда онлайн-НКМ ёки виртуал кассалар сони ўттизтадан кўп бўлган туманларда ТХКМ, унинг филиали ёки шериклик асосида ҳамкорлари ушбу ҳудудда онлайн-НКМ ва виртуал кассаларга техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини очишлари шарт”;

б) 6-бандда:

биринчи хатбошидан “кўрикларни қайд этиш дафтарида ҳамда” сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“7. ТХКМ ўз фаолиятини амалга ошириш учун у томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳамда ваколатли органда рўйхатга олинган онлайн-НКМлар ва виртуал кассаларнинг жами сони:

мингтагача бўлганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдорида;

мингтадан беш мингтагача бўлганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баравари миқдорида;

беш мингтадан ўн мингтагача бўлганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари миқдорида;

ўн мингтадан кўп бўлганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг баравари миқдорида маблағларни ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамига захирага қўйиши лозим.

Захира суммаси банк ёки суғурта ташкилотлари кафолат хати асосида олти ой ичида шакллантирилиши мумкин.

Захира суммаси банк кафолат хати асосида тадбиркорлик субъектининг ўз эҳтиёжида ҳам қолдирилиши мумкин.

Банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар қонунчиликда белгиланган тартибда шартномалар асосида амалга оширилади”;

г) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“8. Махсус ҳисоб рақамига захирага қўйилган ҳамда банк кафолат хати асосида тадбиркорлик субъектининг ўз эҳтиёжида қолдирилган маблағлар ТХКМ, унинг ҳудудий филиаллари ёки шериклик асосида ҳамкорлари томонидан ўзи хизмат кўрсатаётган онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал касса дастурий маҳсулотининг функционал хусусиятларига ишлаб чиқарувчи ёки унинг ваколатли вакилининг рухсатисиз ўзгартириш киритиш ёки бошқача тарзда онлайн-НКМ ёки виртуал кассани қўллаш тартиби бузилиши натижасида операторга, тадбиркорлик субъектига ёки солиқлар нотўғри ҳисобланиши натижасида давлат бюджетига етказилган зарарларни қоплаш учун ишлатилади.

Етказилган зарарлар экспертиза хулосаси асосида аниқланади.

Етказилган зарарлар белгиланган тартибда суд орқали ундирилади.

Захира суммаси банк кафолат хати асосида тадбиркорлик субъектининг ўз эҳтиёжида қолдирилган тақдирда, ТХКМ томонидан етказилган зарар суммаси кафолат берган банкдан ундирилади";

д) 9-бандга қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

"Шунингдек, тадбиркорлик субъекти банк кафолат хатини муддатидан ўн кун олдин янгилаши ёки махсус ҳисоб рақамига белгиланган миқдорда пул маблағларини шакллантириши лозим.

ТХКМ Давлат реестридан чиқарилган, тадбиркорлик субъекти тугатилган ёки белгиланган захира суммаси учун банк томонидан кафолат хати тақдим қилинган тақдирда (8-бандга мувофиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаганда), захирага қўйилган пул маблағлари ТХКМнинг ҳисоб рақамига қайтарилади.

Бунда ТХКМ томонидан захира пулининг қайтарилиши бўйича ваколатли органга ариза тақдим қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

Давлат реестридан чиқарилганлиги, тадбиркорлик субъекти тугатилганлиги тўғрисидаги ҳужжат ёки белгиланган захира суммаси учун банк томонидан берилган кафолат хати;

Оператор ва ТХКМ ўртасидаги шартномага мувофиқ юклатилган вазифалар тўлиқ бажарилганлиги тўғрисидаги операторнинг хулосаси.

Ваколатли орган олинган маълумотларни беш иш кун ичида ўрганиб чиқиб, ариза ва илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ ва ишончли бўлган тақдирда, ТХКМнинг захирадаги пул маблағларини унинг ҳисоб рақамига қайтаради.

Ариза ёки илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ва (ёки) ишончсиз ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, асослантирилган камчиликлар ариза берувчига тақдим қилинади.

Ариза берувчи камчиликларни бартараф қилган ҳолда такроран мурожаат қилиши мумкин";

е) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"12. ТХКМ давлат солиқ хизмати органлари биноларида жойлаштирилишига йўл қўйилмайди. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги "Солиқ сервис" давлат унитар корхонаси бундан мустасно";

ж) қуйидаги мазмундаги "$18^1$"банд қўшилсин:

"$18^1$. ТХКМ бир ой мобайнида ишлатилмаган фискал модуллар сонининг ишлатилаётган фискал модуллар сонига нисбатан ўттиз фоиз миқдоридан кўп бўлган қисмини операторга қайтаради. Бунда операторининг махсус ахборот тизимида ТХКМларга тақдим қилинган ва улар томонидан

фойдаланувчиларга берилган (ишлатилаётган) фискал модуллар ҳисоби онлайн тарзда юритилади.”;

з) 19-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдоридаги маблағ ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамида захира қилинганлиги ҳақидаги маълумот ёки захира суммаси олти ой ичида шакллантирилиши тўғрисида банк ёки суғурта ташкилотларининг кафолат хати ёхуд етказилган зарарларни қоплаш учун банк томонидан берилган кафолат хати;”;

и) 40 ва 42-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

к) Талабларга илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассаларга
техник хизмат кўрсатиш марказларининг
давлат реестрини юритиш ҳамда уларга
қўйиладиган алоҳида талабларга
илова

**Давлат солиқ қўмитаси**
**раиси _______________га**

## АРИЗА

(Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассага техник хизмат кўрсатиш марказини Давлат реестрига киритиш тўғрисида)

Сиздан, ______________________________________________
(ТХКМ жойлашган манзил)

манзилида жойлашган _________________________________________
(тадбиркорлик субъектининг номи)

(СТИР:_____________) онлайн-НКМ, виртуал касса тизимига техник хизмат кўрсатиш марказини иловада келтирилган ҳужжатлар асосида Давлат реестрига киритишингизни сўрайман.

**Қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**

*1. Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдоридаги маблағ ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамида захира қилинганлиги ҳақидаги маълумот ёки захира суммаси олти ой ичида шакллантирилиши тўғрисида банк ёки суғурта ташкилотларининг кафолат хати ёхуд етказилган зарарларни қоплаш учун банк томонидан берилган кафолат хати;*

*2. Онлайн-НКМ қурилмаси ва (ёки) виртуал касса дастурий маҳсулотининг ишлаб чиқарувчиси ёхуд унинг ваколатли вакили билан тузилган шартнома нусхаси;*

*3. ТХКМнинг фаолият юритиш жойи бўйича кўчмас мулкка ёки ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат(лар);*

*4. «call-марказ»га эга эканлиги тўғрисидаги маълумот;*

*5. ТХКМда онлайн-НКМ қурилмаси ва (ёки) виртуал касса дастурий маҳсулотига кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича малака сертификатига эга бўлган мутахассис(лар) мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар;*

Илова: ___ варақда.

| ____________________ | __________ | __________ |
|---|---|---|
| (Тадбиркорлик субъекти раҳбарининг Ф.И.О.) | (имзо) | (сана)” |

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



**4.** 4-иловада:

а) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“8. Ваколатли органда рўйхатга олинган онлайн-НКМ ва виртуал касса сони:

мингтагача бўлганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдорида;

мингтадан беш мингтагача бўлганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари миқдорида;

беш мингтадан кўп бўлганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг баравари миқдорида маблағларни ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамига захирага қўйиши лозим.

Захира суммаси банк ёки суғурта ташкилотлари кафолат хати асосида олти ой ичида шакллантирилиши мумкин.

Захира суммаси банк кафолат хати асосида тадбиркорлик субъектининг ўз эҳтиёжида ҳам қолдирилиши мумкин.

Банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар қонунчиликда белгиланган тартибда шартномалар асосида амалга оширилади”;

б) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“9. Махсус ҳисоб рақамига захирага қўйилган ҳамда банк кафолат хати асосида тадбиркорлик субъектининг ўз эҳтиёжида қолдирилган маблағлар солиқлар нотўғри ҳисобланиши натижасида давлат бюджетига, операторга ва тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарларни қоплаш учун ишлатилади.

Етказилган зарарлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва операторга юборилган чеклар ўртасидаги номутаносибликлар экспертиза хулосаси асосида аниқланади.

Етказилган зарарлар белгиланган тартибда суд орқали ундирилади.

Захира суммаси банк кафолат хати асосида тадбиркорлик субъектининг ўз эҳтиёжида қолдирилган тақдирда етказилган зарар суммаси кафолат берган банкдан ундирилади.”;

в) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“10. Онлайн-НКМ ёки виртуал касса дастурий таъминотини давлат реестрига киритган тижорат ташкилоти захирага қўйилган маблағлар суммаси ушбу низомнинг 8-бандида кўрсатилган миқдордан камайган тақдирда, унинг етмаётган қисми ваколатли органнинг хабарномасини олган кундан эътиборан ўн иш кунида ваколатли органнинг махсус ҳисобварағига тушишини таъминлайди.

Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал касса Давлат реестридан чиқарилганда, Давлат реестрига киритиш учун ариза берган тадбиркорлик субъекти тугатилганда ёки белгиланган захира суммаси учун банк томонидан кафолат хати тақдим қилинган тақдирда (9-бандга мувофиқ қарздорлиги мавжуд

бўлмаганда), захирага қўйилган пул маблағлари Давлат реестрига киритиш учун ариза берган тадбиркорлик субъектининг ҳисоб рақамига қайтарилади.

Бунда Давлат реестрига киритиш учун ариза берган тадбиркорлик субъекти захира пулининг қайтарилиши бўйича ваколатли органга ариза тақдим қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

Давлат реестридан чиқарилганлиги, Давлат реестрига киритиш учун ариза берган тадбиркорлик субъекти тугатилганлиги тўғрисидаги ҳужжат ёки белгиланган захира суммаси учун банк томонидан берилган кафолат хати;

ТХКМлар ва ишлаб чиқарувчи ёки унинг ваколатли вакили ўртасидаги шартномага мувофиқ юклатилган вазифалар тўлиқ бажарилганлиги тўғрисидаги ТХКМларнинг хулосалари.

Ваколатли орган олинган маълумотларни беш иш кун ичида ўрганиб чиқиб, ариза ва илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ ва ишончли бўлган тақдирда, Давлат реестрига киритиш учун ариза берган тадбиркорлик субъектининг захирадаги пул маблағларини унинг ҳисоб рақамига қайтаради.

Ариза ёки илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ва (ёки) ишончсиз ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, асосланган камчиликларни ариза берувчига тақдим қилади.

Ариза берувчи камчиликларни бартараф қилган ҳолда такроран мурожаат қилиши мумкин.";

г) 11-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдоридаги маблағ ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамига захирага қўйилганлиги ҳақидаги маълумот ёки захира суммаси олти ой ичида шакллантирилиши мумкинлиги тўғрисида банк ёки суғурта ташкилотларининг кафолат хати ёхуд етказилган зарарларни қоплаш учун банк томонидан берилган кафолат хати";

ўн биринчи хатбошидаги "техник кўмаклашиш маркази" сўзлари "Киберхавфсизлик маркази" ДУК сўзлари билан алмаштирилсин;

д) қуйидаги музмундаги $12^1$-банд қўшилсин:

"$12^1$. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассани Давлат реестрига киритиш тўғрисидаги ариза ва унга тегишли ҳужжатлар ваколатли орган томонидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва "Ўзэлтехсаноат" уюшмасига юборилган санадан эътиборан беш иш кунида ушбу ташкилотлар Давлат реестрига киритиш ёки киритишни рад этиш ҳақидаги хулосани ваколатли органга тақдим этади";

е) 16-банддаги "бир ой муддатда" сўзлари "йигирма иш кунида" сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) Низомга 2-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

ҚҲММБ: 09/20/736/1529
21.11.2020 й.



“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
қўлланиши рухсат этилган онлайн
назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларнинг
Давлат реестрини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

Давлат солиқ қўмитаси раиси
____________________________га

# АРИЗА

(Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассаларнинг Давлат реестрига киритиш тўғрисида)

____________________________________________________________

СТИР____________________________________________
(тадбиркорлик субъекти номи)

____________________________манзилида жойлашган _____________________га
(юридик манзили) (мулкчилик шакли)

__________________________ русумли онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг ____________________ версиясини иловада келтирилган ҳужжатлар асосида Давлат реестрига киритишингизни сўрайман.

Қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдоридаги маблағ ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамига захирага қўйилганлиги ҳақидаги маълумот ёки захира суммаси олти ой ичида шакллантирилиши мумкинлиги тўғрисида банк ёки суғурта ташкилотларининг кафолат хати ёхуд етказилган зарарларни қоплаш учун банк томонидан берилган кафолат хати;

2. Онлайн-НКМ ёки виртуал касса дастурий маҳсулотининг техник ва функционал тавсифларига мувофиқлиги юзасидан операторнинг хулосаси;

3. Шакллантирилган касса чеклари намуналари;

4. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг эталон намунаси;

5. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг техник ва функционал тавсифлари батафсил кўрсатилган техник паспорт (ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) ҳамда кафолат мажбуриятлари;

6. Фойдаланиш ҳужжатлари (фойдаланувчи учун қўлланма, ўрнатиш бўйича қўлланма ва солиқ инспектори йўриқномаси);

7. Ариза берувчининг эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш тўғрисидаги кафолат хати;

8. Виртуал касса ёки онлайн-НКМ дастурий маҳсулотининг муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (патент). Бунда ҳужжат бошқа давлатдан олинган бўлса унинг манбаси кўрсатилади;

9. Виртуал касса ёки онлайн-НКМ дастурий маҳсулотига “Киберхавфсизлик маркази” ДУК томонидан берилган экспертиза хулосаси;

10. Онлайн-НКМга сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификати.

Илова: __ варақда.

______________________________ __________ __________
(Юридик шахс мансабдор шахсининг Ф.И.О.) (имзо) (сана)

Телефон рақами:______________

Почта манзили:______________”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3